

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD 03/27.02.2021.Tar.70.05 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НОРМАТОВ ШЕРЗОД МИРЗАЕВИЧ

**ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ЎРТА ОСИЁНИНГ ЖАНУБИДА
МИГРАЦИЯ ВА ЭТНОМАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАР**

07.00.01-Ўзбекистон тарихи

ТАРИХ фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Қарши-2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Норматов Шерзод Мирзаевич

Илк ўрта асрлар даври Ўрта Осиёнинг жанубида миграция ва этномаданий жараёнлар.....3

Норматов Шерзод Мирзаевич

Миграция и этнокультурные процессы в юге Средней Азии в период раннего средневековья.....26

Normatov Sherzod Mirzayevich

Migration and ethnocultural processes in the south of Central Asia during the early middle ages.....48

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....50

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD 03/27.02.2021.Tar.70.05 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ
ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

НОРМАТОВ ШЕРЗОД МИРЗАЕВИЧ

**ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ЎРТА ОСИЁНИНГ ЖАНУБИДА
МИГРАЦИЯ ВА ЭТНОМАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАР**

07.00.01-Ўзбекистон тарихи

ТАРИХ фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Қарши-2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестацияси комиссиясида №В2020.3.PhD/Таг.731 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)). Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.terstu.uz) va ZiyonNet Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

| | |
|----------------------------|---|
| Илмий раҳбар: | Эшов Боходир Жўраевич тарих фанлари доктори, профессор |
| Расмий оппонентлар: | Аллаева Нигора Ашировна тарих фанлари доктори Бобоёров Ғайбулла Боллиевич тарих фанлари доктори, профессор |
| Етакчи ташкилот: | Самарқанд давлат университети. |

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузуридаги тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD.03/27.02.2021. Таг.70.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «12» июнь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz). Қарши давлат университети, Физика-математика факультети (102 хона).

Диссертация билан Қарши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (44 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил « 31 » май куни тарқатилди.
(2021 йил 31 май даги 1 рақамли реестр баённомаси).




Г.Э. Мўминова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси ўринбосари, т.ф.д.

Н.Н. Ражабова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, т.ф.н.

Ю.А. Эргашева
Илмий даражалар берувчи
илмий Кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси
т.ф.д. профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Халқаро миқёсда глобаллашув жараёнлари тобора жадаллашиб бораётган бугунги кунда Ғарб ва Шарқ цивилизацияларининг уйғунлашуви, турли ҳудудларда яшаб, фарқли динларга эътиқод қилувчи халқларнинг ўзлигини англаши, халқаро майдондаги ўзаро муносабатларнинг тобора чуқурлашиб бораётганлиги, маданий мерос ва маҳаллий маданиятларни сақлаб қолишга бўлган интилиш янада долзарб масалага айланмоқда. Хусусан, жаҳоннинг турли ҳудудларида яшовчи аҳолининг этномаданий алоқалари, маҳаллий маданиятлар ва миграция жараёнларининг этномаданий муносабатларга таъсири масалалари тарихшуносликда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунёда ҳозирда илк ўрта асрлар даврида кечган миграция ва этномаданият жараёнлари, маданий ҳаёт ва этномаданий муносабатлар масалаларига бағишланган кўпгина илмий лойиҳалар, ишланмалар олиб борилмоқда. Уларда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тарихшунослиги, мавжуд илмий қарашлар ҳамда асосий ёндашувлар динамикаси, қиёсий таҳлил ва умумлаштириш ҳолатларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамиз ҳудудларида бўлиб ўтган кўплаб турли-туман этник, маданий, ижтимоий-иқтисодий, диний ва сиёсий жараёнларнинг илмий-қиёсий жиҳатларини очиб беришга сўнгги йилларда катта эътибор берилмоқда. «Янги жамият қурилиши жараёнида халқимизнинг тарихидаги бой маданият ва бунёдкорлик анъаналарини ўрганиш ва улардан фойдаланиш катта аҳамиятга эга»¹. Бу борада Бактрия-Тохаристон ва Сўғд цивилизациясининг минтақа маданий ҳаёти ривожига қўшган ҳиссаси кўламини ёритиш, ҳудудларнинг тарихий-маданий шаклланиш муаммоларини аниқлашда миграция жараёнларининг Ўрта Осиё этномаданий ҳолатига таъсири, маданиятлар алмашинуви масалалари юзасидан илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ–2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда 2018 йил 18 январдаги Ф-5181-сон «Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармойишида ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон фармонининг 1-илоvasида келтирилган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» [Электрон ресурс]. <http://strategy.regulation.gov.uz/uz/document/2>. (Мурожаат қилинган сана: 17.11.2019).

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бу борада амалга оширилган илк изланишлар XIX асрнинг охири – XX аср бошларига тегишли бўлиб, улар В. Томашек, Э. Шаванн, В.В. Бартольд, Х. Гиббнинг ишларида кўпроқ ўрин олган². XX асрнинг 30- 90- йиллари орасида кўпгина совет тарихчилари бу масалага тўхталганлар. Совет даврида Г.А. Пугаченкова, Б.А. Литвинский, В.С. Соловьев, Т.Аннаев, Ш.Рахмонов Тохаристон³, О.И. Смирнова, Л.И. Альбаум, А. Белиницкий каби тадқиқотчилар Сўғд тарихини ёзма манбалар ва археологик материаллар негизида кўриб чиқишган. Улар қаторига Р.Ғоибов, Э.В. Ртвеладзе, Ш.Пидаев ва бошқаларнинг изланишларини⁴ кўшиш мумкин.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда Сўғд ва Тохаристон тарихи бўйича бир қатор илмий изланишлар олиб борилган бўлиб, улар орасида Ш.С. Камолиддинов, Л.С. Баратова, А.Сағдуллаев Т.Аннаев, Ш.Шайдуллаев, Ш.Рахмонов, К.Абдуллаев, Ж.Ильясов, А.Маликов, М.Исҳоқов, А.Отахўжаев, Ў.Мавлонов, Ғ.Бобоёров, Б.Ғойибов, А.Абдиқаюмов, Ф.Жуманиязова, А.Кубатин ва бошқаларнинг тадқиқотларида⁵ Сўғд ва Тохаристонда кечган

² Tomaschek W. Central asiatische Studien, I. Sogdiana. – Wien, 1877; Chavannes E. Documents sur les Tou-kiue (Turks) occidentaux // Сборник трудов Орхонской экспедиции. Вып. 6. СПб., 1903. P. 229; Marquart J. Eranshahr nach der Geographic des Ps. Moses Xorenaci. – Berlin, 1901; Marquart J. Eranshahr nach der Geographic des Ps. Moses Xorenaci. – Berlin, 1901; Markwart J. Wehrot und Arang. Untersuchungen zur mythischen und geschichtlichen Landeskunde von Ostiran. – Leiden, 1938; Gibb H. Orta Asya'da Arap fütuhati. Çev. M. Hakki. – İstanbul, 1930.

³ Пугаченкова Г. А., Ртвеладзе Э. В. Северная Бактрия – Тохаристан. Очерки истории и культуры древность и средневековье. – Ташкент: Фан, 1990; Harmatta J., Litvinsky V. A. Toharistan and Gandhara under Western Turk rule // НССА. – Paris 1996. – Vol. 3. – P. 367–401. Соловьев В.С. Средневековая культура Тохаристана (в свете раскопок в Вахшской долине). М, 1985. – С.30-36; Аннаев Т.Д. Раннесредневековые поселения Северного Тохаристана. – Т., 1988; Аннаев Т., Бобоходжаев А., Рахманов Ш. Замок Кучуктепа // ИМКУ. – Ташкент, 1988. – Вып. 22. – С. 75-86;

⁴ Гафуров Б. Г. Таджики, древнейшая, древняя и средневековая история. – М, Наука, 1972; Пугаченкова Г. А., Ртвеладзе Э. В. Северная Бактрия – Тохаристан. Очерки истории и культуры древность и средневековье. – Ташкент, Фан, 1990; Гоибов Г. Ранние походы арабов в Среднюю Азию. – Душанбе: Дониш, 1989; Баратова Л. С. Древнетюркские монеты Средней Азии VI-X вв. (типология, иконография, историческая интерпретация): Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, ИВАНРУз, 1995.

⁵ Камолиддинов Ш. С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана. – Ташкент, Узбекистан, 1996; Камолиддин Ш. С. Новые данные о потомках царя Согда Гурака // Общественные науки Узбекистана. – Ташкент, 2003. – № 3. – С. 63–68. Баратова Л.С., Лившиц В.А. О согдийских над чеканах на Сасанидских монетах и подражаниях им // Культурное наследие Средней Азии. Ташкент, 2002. С. 21–26. Сағдуллаев А. Средняя Азия и Индия – формирование ранних путей историко-культурных связей // Индия и Центральная Азия (доисламский период). – Ташкент, 2000. – С. 119-120; Аннаев Т.Д. Ранние Раннесредневековые поселения Северного Тохаристана. –Ташкент, 1988; Аннаев Т., Шайдуллаев Ш. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. – Ташкент, 1997. – 132 с. Рахмонов Ш. Тавка. Тошкент, 2002; Абдуллаев К. Живопись крепости Тавка, к проблеме этнической ситуации Северного Тохаристана (по данным настенных росписей) // Цивилизации и культуры Центральной Азии в единстве и многообразии. Материалы Международной конференции Самарканд, 7–8 сентября 2009 г. – Самарканд-Ташкент – 2010. – С. 235–245. Pyasov J.Ya. On a number of Central Asian tamgas // Silk Road Art and Archaeology. Vol. IX. Kamakura, 2003. P. 131-157. Маликов А. Тюрки в среднеазиатском междуречье в VI–VIII вв. (по археологическим и письменным источникам).: Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Самарканд: ИААН РУз, 2000. Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан

сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва этномаданий жараёнларга эътибор қаратилган. Уларнинг бир қисми Сўғд воҳасидаги турли ҳукмдорликлар бўйича, бир қисми эса Тохаристон бўйича айримлари қадимги йўллар бўйича махсус тадқиқотлар олиб боришган бўлса-да, улар орасида ҳар иккала тарихий воҳа ўртасидаги ўзаро сиёсий ва этномаданий муносабатлар ва миграция жараёнларига ҳам тўхталиб ўтилгани кўзга ташланади.

Мавзунинг ўрганилиш даражасини бирмунча қоникарли деб ҳисоблаш мумкин. Бироқ Сўғд ва Тохаристондаги этномаданий жараёнларни комплекс олиб ўрганган тадқиқотларнинг йўқлиги сабабли бу борада ҳалигача долзарб масалалар мавжудлигини эътироф этиш лозимдир.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Қарши давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасисига мувофиқ №ОТ-Ф8-002 «Ҳозирги замон цивилизациясининг инсон ижтимоий қиёфасига таъсири» номли фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади илк ўрта асрларда Сўғд ва Тохаристон худудларидаги миграция жараёнлари, ўзаро ижтимоий-иқтисодий ва маданий таъсирлар, этномаданий ва диний эътиқодлар муносабатларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

илк ўрта асрларда Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятларида кечган миграция жараёнлари, этномаданий алоқалар ва диний эътиқодлар ёйилиши масалаларини Сўғд ва Тохаристон тарихий вилоятлари мисолида очиб бериш;

Эфталийлар ва Турк хоқонлиги даврида Сўғд ва Тохаристоннинг ижтимоий сиёсий ҳолатини, аҳолисининг этник таркиби ва жойлашуви, диний эътиқодларнинг кириб келиши тарихини ёритиш;

Буюк ипак йўлининг жанубий тармоғидаги этномаданий муносабатлар, араблар босқини ва илк ислом давридаги миграция жараёнларининг таъсири ва натижаларини аниқлаш;

этномаданий муносабатларнинг давлатчилик, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт, санъат ва бадиий ҳунармандчиликда ўз аксини топиши, этномаданий алоқаларнинг бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаши масалаларини ёритиш;

хатлар. – Тошкент, 1992; Отахўжаев А. Илк ўрта асрларда Марказий Осиё цивилизациясида турк-Сўғд муносабатлари. – Тошкент, ART-FLEX, 2010. Мавлонов Ў.Марказий Осиёнинг қадимги йўллари: шаклланиши ривожланиш босқичлари.Тошкент: “Akademiya” 2008.Б. 432; Бобоёров Ғ. Турк хоқонлиги даврида Тохаристон // Мозийдан садо. Тошкент, 2002. №4. Б. 10–11; Бобоёров Ғ. Илк ўрта асрлар тангаларида Ўзбекистон худудидаги давлатчиликка доир маълумотлар // Ўзбекистон тарихи манбашуносилиги масалалари. – Тошкент, 2010. – Б. 18-40. Ғойибов Б. Сўғд тарихидан лавҳалар. – Самарқанд, 2020. Абдиқайюмов А.Р. Суғднинг илк ўрта асрлар даври ҳунармандчилиги ва савдо иқтисодий алоқалари. Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати. - Тошкент, 2010. Б. 6-7, 15-16. Джуманиязова Ф. Илк ўрта асрларда Тохаристон ва Кобул водийсида туркий сулолалар.: Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. - Тошкент, 2018. Б. 5-9, 15-17. Кубатин А. Система титулов Тюркского каганата: генезис и преемственность. – Ташкент: Yangi nashr, 2016.

турли йўналишдаги маълумотлар доирасининг кенгайиб бориши натижасида биз танлаган мавзуга оид илмий қарашлар ва назарияларнинг ўзгариш жараёнини қиёсий таҳлиллар асосида очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Сўғд ва Тохаристонда кечган этномаданий алоқалар, миграция жараёнлари, турли динларнинг ёйилиши, динлараро ва маданий муносабатлар тарихи ҳақидаги маълумотлар танланган.

Тадқиқотнинг предметини минтақанинг жанубий вилоятлари, яъни Сўғд ва Тохаристоннинг илк ўрта асрлардаги маданияти тарихи ҳамда уларни тарихшунослик ва манбашунослик асосида қиёсий ёритиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда хронологик кетма-кетлик, қиёсий таҳлил, тарихийлик, детерминизм тамойиллари, тизимли ёндашув каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк ўрта асрларда Сўғд ва Тохаристон тарихий-географик ўлкалари ўртасида сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий алоқаларнинг ўзаро кучайишига минтақадаги миграция жараёнларининг жадаллашуви сабаб бўлганлиги аниқланган;

Сўғд ва Тохаристондаги давлатчилик бошқаруви ҳужжатларида “ябғу”, “тегин”, “тархон”, “тудун”, “чўр”, “элтабар”, “хису элтабар”, “тудун тархон”, “шад”, “ишбара” каби ҳар иккала юрт тилларига оид унвон ва бошқарувга алоқадор атамалар учраши очиб берилган;

Сўғд ва Тохаристон орасидаги миграция жараёнлари халқларнинг этник ассимиляциясига ҳам таъсир этганлиги иқтисодий муносабатлар ва маданий алоқаларда намоён бўлганлиги кўрсатиб берилган;

илк ўрта асрлардаги этномаданий муносабатларнинг давлатчилик, шаҳарлар тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётга таъсири ва бу ҳолатнинг санъат ва бадиий ҳунармандчиликда ўз аксини топгани кулолчилик буюмлари, терракоталар ва нумизматик янги топилмалар асосида очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

илк ўрта асрларда Ўрта Осиё жанубий ҳудудларининг, хусусан, Сўғд ва Тохаристон ўлкалари орасида ўзаро алоқалари масаласи очиб берилган;

Сўғд ва Тохаристон ўлкаларида қадимдан мавжуд алоқалар бу даврда янада жадаллашгани, сиёсий ва этномаданий муносабатларнинг қалинлашуви натижасида бир қатор сулолалар ташкил топиб, улар минтақа халқлари, шу жумладан, ўзбек халқи давлатчилиги анъаналарининг такомиллашувига ўз ҳиссасини қўшгани аниқланган;

илк ўрта асрларда Амударё – Сирдарё оралиғида мавжуд воҳа хукмдорликларидаги, хусусан, жанубий ҳудудлардаги туркий этнослар бошқаруви нисбатан заиф бўлган, улар бу ҳудудлардаги этномаданий жараёнларда фаол иштирок этмаган мазмунидаги қарашларнинг бирёклама эканлиги Сўғд ва Тохаристон бошқаруви мисолида асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда кўтарилган ҳар бир масала ёзма ва моддий манбалар билан таққосланган ҳолда ёритилиб, бу

мавзуда амалга оширилган илмий тадқиқотлардаги фикр ва мулоҳазалар жалб қилинган, тарих фанида тан олинган усуллар ва назарий ёндашувларнинг қўлланилгани, тарихий ва археологик илмий адабиётлардан фойдаланилгани, хулосалар ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тарих фанининг “Этногенез ва ўзбек халқининг этник тарихи”, илк ўрта асрлар даври тарихи, “Тарихий география”, “Динлар тарихи” соҳаларидаги фанлараро янги ёндашувлар ва илмий йўналишларни яратиш вазифаларини амалга ошириш ҳамда ўтмиш тарихга оид илмий-назарий, қиёсий таҳлил ва умумлаштириш услубларини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бакалавр-тарихчи талабалар учун “Ўзбекистон тарихи”, “Тарихий ўлкашунослик ва урбанизация жараёнлари”, “Ўзбекистон давлатчилиги тарихи” фанлари, “Буюк ипак йўли ва унинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни”, “Ўрта Осиёда ислом маданиятининг ривожланиш тарихи” махсус курслари ҳамда магистратура босқичи “Ўзбекистон тарихи” мутахассислиги бўйича “Ўрта Осиё қадимги вилоятларининг тарихий топографияси” фанидан маърузалар ўқишда ва амалий машғулотлар ўтишда ва ўқув қўлланмалари ва дарсликларни яратишда кенг фойдаланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Илк ўрта асрлар даври Ўрта Осиёнинг жанубида миграция ва этномаданий жараёнларига доир илмий натижалари асосида:

илк ўрта асрларда Сўғд ва Тохаристон тарихий-географик ўлкалари орасида сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий алоқаларнинг ўзаро кучайишини минтақадаги миграция жараёнларининг жадаллашувига сабаб бўлганлигига доир илмий хулосаларидан “Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи” номли дарсликнинг “Илк ўрта асрлар давлатчилиги тарихи (V-VII асрлар) номли 4-мавзусини янги маълумотлар билан бойитишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 июлдаги 89-03-2584-сон маълумотномаси). Натижада илк ўрта асрлар давлатчилиги тарихини кенгроқ ёритиш имкони яратилган;

Сўғд ва Тохаристон орасидаги миграция жараёнлари халқларнинг этник ассимиляцияга ҳам таъсир этиши иқтисодий муносабатлар ва маданий алоқаларда намоён бўлишига доир илмий натижаларидан ОТ-Ф8-002 рақамли “Ҳозирги замон цивилизациясининг инсон ижтимоий қиёфасига таъсири” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 июлдаги 89-03-2584-сон маълумотномаси). Натижада дастлабки цивилизациялар тарихини экскурс ёритишда илк ўрта асрларда Сўғд ва Тохаристонда юз берган сиёсий ва этномаданий жараёнларни асослаш ва бу жараённинг ижтимоий омилларини кўрсатиб бериш имконини берган;

илк ўрта асрлардаги этномаданий муносабатларнинг давлатчилик, шаҳарлар тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётга таъсири ва бу ҳолатнинг санъат ва бадиий ҳунармандчиликда ўз аксини топганлигига оид

илмий хулосаларидан Қашқадарё вилояти “Шаҳрисабз” давлат музейи кўриқхонасидаги нумизматик маълумотлари, археологик топилмалар, ўзаро этномаданий алоқалар ва миграция жараёнларини тасдиқловчи маълумотлар музейнинг “Кеш тарихи ва маданияти” кўргазмасида намойиш этилмоқда. (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2020 йил 03 августдаги 01-12-10-3289-сон маълумотномаси). Натижада илк ўрта асрлар даври Ўрта Осиёнинг жанубида миграция ва этномаданий жараёнларнинг Ўзбекистон тарихида тутган ўрни бўйича маҳаллий ва хорижий ташриф буюрувчиларга янги маълумотлар бериш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий анжуман ва семинарларда, шу жумладан 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 та республика ва 2 та хорижий журналларида чоп этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, 138 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгилаб олинган; тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган; олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган; тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши ва апробацияси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Мавзу манбашунослиги ва тарихшунослиги: тарихий қиёсий таҳлил”**, деб номланган биринчи бобида аввало манбашунослик масалалари таҳлил этилган. Таъкидлаш жоизки, илк ўрта асрларда юз берган тарихий жараёнлар минтақа тарихига оид маълумотларнинг турли тиллардаги ёзма манбаларда акс этишига олиб келади. Ҳар иккала тарихий ўлка тарихи хитой, византия, сурёний, арман, ўрта форс, (пахлавий), ҳинд, сўғдий, бақтрий, қадимги турк, араб-форс тилларидаги манбаларда у ёки бу даражада ўрин олган.

Ушбу манбалар орасида хитой йилномаларидаги маълумотлар ўзининг изчиллиги ва тўлақонлиги билан ажралиб туради. Айниқса, “Бей-ши” (“Шимолий сулолар тарихи”), “Суй-шу” (“Суй сулоласи тарихи”), “Таншу” (“Тан сулоласи тарихи”) каби йилномалар ва Суян Цзан (629-645), Хой Чао сингари сайёҳларнинг эсдаликлари Сўғд ва Тохаристон тарихи бўйича қимматли маълумотлар беради. Таҳлиллардан маълум бўлдики, ушбу сайёҳлар минтақа халқларининг маданияти, турмуш тарзи, урф-одатлари,

тили ва бошқа этник хусусиятлари тўғрисида сўз юритар эканлар, бошқа ўлкаларга қараганда кўпроқ Сўғд ва Тохаристонни ўзаро солиштириб маълумот берганлар⁶. Хусусан, хитой манбаларида Сўғд ва Тохаристоннинг сиёсий-маъмурий тузилиши, ҳудуди, чегаралари, бошқарувчи сулолалар, пойтахт ва бошқарув марказлари, ҳукмдорларнинг номлари ва унвонлари, ҳукмронлик йиллари, қўшин тузилиши, ташқи ва ички сиёсат, халқаро сиёсий ва дипломатик алоқалар, аҳолининг тили ва этник таркиби, дини, маданияти кабилар ҳақида қисқа, аммо ихчам ва изчил маълумотлар ўз аксини топган⁷.

Илк ўрта асрлар даври Сўғд ва Тохаристон тарихи юнон (Византия) ва арман манбаларида бошқа тиллардагига қараганда кўпроқ эслатилган. Бу муаллифлар орасида Менандр (VI аср охирлари), Феофан (VII аср бошлари), Феофиликат Симокатта (VII аср биринчи ярми), Себеос (VII аср), Анания Ширакаци (VII аср), Моисей Каланкаци (VII аср), Моисей Хоренаци (VII аср) каби тарихчи ва географларнинг асарларида Сўғд ва Тохаристон тарихини акс эттирувчи маълумотлар ўрин олган⁸.

Сўғд ва Тохаристоннинг илк ўрта асрлар даври тарихини ёритувчи энг ишончли манбалар уларнинг ўз ички муҳотида яратилган сўғдий ва бактрий тилли маълумотлар ҳисобланади. Ҳар иккала тилда яратилган ҳужжатлар ўзининг турли-туман мавзуларни қамраб олгани билан ажралиб туради. Улар Муғ тоғидан топилган VIII асрнинг илк чорагига тегишли 80 тадан ортиқ ҳужжатлар тўплами бўлса⁹, бактрий тилли ҳужжатлар сони эса 100 тадан ошиб, Кушонлар давридан то араб босқинигача бўлган даврдаги ҳужжатлардир¹⁰. Ушбу ҳужжатлар орқали Сўғд ва Тохаристондаги сиёсий-

⁶ Бернштам А. Н. Тюрки и Средняя Азия в описании Хой Чао (726) // ВДИ. – М, 1952. – № 1. – С. 187-195. Тугушева Л. Ю. Уйгурская версия биографии Сюань-Цзана. – М, Наука, 1991; Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre Türkistan. Basılmamış doktora tezi. Hacettepe Üniversitesi, Sosyal Bilimler Enstitüsü. – Ankara, 2003.

⁷ Бичурин Н. Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена к истории народный Средней Азии. II. – С. 310-318, 321-325; Chavannes E. Documents sur les Tou-kiue (Turks) occidentaux // Сборник трудов Орхонской экспедиции. Вып. 6. СПб., 1903; Малявкин А. Г. Историческая география Центральной Азии (Материалы и исследования). – Новосибирск: Наука, 1981. Taishan Yu. A Concise Commentary on Memories on the Western Regions in the Official Histories of the Western and Eastern Han, Wei, Jin, and Southern and Northern dynasties. – Beijing: Commercial Press, 2014. – P. 791-878. Малявкин А. Г. История Восточного Туркестана в VII–X вв. // Восточный Туркестан в древности и раннем средневековье. Очерки истории. Под. ред. – С. Л. Тихвинского и др. – М.: Наука, 1988. – С. 297–351; Малявкин А. Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии. – Новосибирск: Наука, 1989. Хўжаев А. Хитой манбаларида Сўғдларга оид айрим маълумотлар // O'zbekiston tarixi, №1, 2004. – Б. 52-61; Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар: Қадимий ва илк ўрта аср хитой манбаларидан таржималар ва уларга шарҳлар. – Фарғона: Фарғона нашриёти, 2013. – Б. 121;

⁸ Тревер К.В. Кушаны, хиониты и эфталиты по армянским источникам IV-VII вв. // Советская археология XXI, 1954. – С. 131-147. Moravcsik G. Byzantinoturcica. II. – Berlin, 1958; Чичуров И. С. Византийские исторические сочинения: «Хронография» Феофана, «Бревиарий» Никифора. Тексты, перевод, комментарий. – М.: Наука, 1980. Тер-Мкртчян Л. Х. Армянские источники о Средней Азии V – VII вв. – М, Наука, 1979.

⁹ Согдийские документы с горы Муг. Чтение, Перевод. Комментарий. Вып. II. Юридические документы и письма / Чтение, перевод и комментарии В. А. Лившица. – М, Изд-во восточной лит-ры, 1962; Согдийские документы с горы Муг. Чтение. Перевод. Комментарий. Вып. III. Хозяйственные документы. Чтение, перевод и комментарии М. Н. Боголюбова и О. И. Смирновой. – М, Изд-во восточной лит-ры, 1963; Исҳоқов М., Бобоёров Ғ., Кубатин А. Сўғд тилидаги манбалар / Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия, 2/1. Тошкент, Фан, 2014. – Б. 57-100.

¹⁰ Симс-Вильямс Н. Новые бактрийские документы // ВДИ. – Москва, 1997. – № 3. – С. 3–11; Sims-Williams N. From the Kushan-shahs to the Arabs. New Bactrian documents dated in the era of the Tochi inscriptions // Coins, Art and Chronology Essays on the pre-islamic History of the Indo-Iranian Borderlands. – Wien 1999. – P. 245–258;

маъмурий бирликлар, улардаги қонунчилик, иш юритиш ва ёзишмалар тўғрисида муайян тасавурга эга бўлиш мумкин.

Сўғдшунос олимлар М.Исҳоқов ва А.Отахўжаевлар Муғ тоғи сўғдий ҳужжатларини манбашунослик нуқтаи назаридан ўрганиш жараёнида Сўғд ва Тохаристондаги ижтимоий-сиёсий ва этномаданий жараёнларни ёритганлар¹¹. Сўғдий ва бактрий тилли ҳужжатлар ва нумизматик материалларни ўрганган Ғ. Бобоёров Сўғд ва Тохаристон масаласига ҳам тўхталиб, Тохаристон бошқарувида 10 яқин туркий унвонлар қўлланилганидек, Сўғдда ҳам бир неча қадимги туркча унвонлар ишлатилганини кўрсатиб берган¹². Асосий қисми инглиз олими Н.Симс-Виллиамс томонидан ўқиб чиқилиб, инглиз тилига таржима қилинган бактрий ҳужжатлари¹³ ҳам тарихий манба сифатида ҳанузгача илмий тадқиқ этилмаган.

Жанубий Сўғд ва Тохаристоннинг исломдан олдинги тарихий географияси бўйича изланишлар олиб борган Ш.С.Камолиддинов ўзининг махсус монографиясида сиёсий-маъмурий бошқарув марказлари, бошқарувчи сулолалар, улар орасидаги сиёсий ва маданий алоқалар ва албатта, тарихий география масалаларига араб-форс, хитой манбалари ҳамда археологик материаллар асосида кўриб чиққан¹⁴.

Тадқиқотнинг ушбу бобида Сўғд ва Тохаристон тарихининг тарихшунослик таҳлиллари ҳам ўрин олган. XX асрнинг 20-30-йилларидан бошлаб бутун Ўрта Осиё минтақаси бўйлаб археологик тадқиқотлар бошланиб, бугунги кунга қадар бу йўналишда, жумладан Сўғд ва Тохаристон ҳудудларида кўплаб изланишлар олиб борилиб, кўплаб тадқиқотлар натижалари нашр юзини кўрди. Ҳар иккала ўлка ҳудудларининг сўнгги антик ва илк ўрта аср тадқиқотларида М.Е.Массон, С.Б.Лунина, Г.А.Пугаченкова, Б.А.Литвинский, Б.Ғ.Ғафуров, Э.В.Ртвеладзе, О.И.Смирнова, Л.И.Альбаум, А.М.Белиницкий, Ш.Р.Пидаев, Л.С.Баратова, Р.Ҳ.Сулаймонов, В.С.Соловьев, Т.А.Аннаев, Ш.Раҳмонов, кабиларнинг ишларини алоҳида таъкидлаш лозим¹⁵. Уларнинг аксариятида ёзма ва археологик маълумотлар қиёсий таҳлил этилган.

Бобоёров Ғ., Кубатин А., Зиёев Ш. Бактрий тилли ҳужжатлар / Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия, 2/1. Тошкент, Фан, 2014. – Б. 49-56.

¹¹ Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Тошкент, 1992; Отахўжаев А. Илк ўрта асрларда Марказий Осиё цивилизациясида турк-сўғд муносабатлари. – Тошкент, ART-FLEX, 2010.

¹² Бобоёров Ғ. Турк хоқонлиги даврида Тохаристон // Мозийдан садо. - Тошкент, 2002. №4. Б. 10–11; Бобоёров Ғ. Илк ўрта асрлар тангаларида Ўзбекистон ҳудудидаги давлатчиликка доир маълумотлар // Ўзбекистон тарихи манбашунослиги масалалари. – Тошкент, 2010. – Б. 18-40.

¹³ Sims-Williams N. *Vactrian Documents from Northern Afghanistan, I: Legal and Economic Documents*. – Oxford University Press, 2000; Симс-Вильямс Н. Новые бактрийские документы ... – С. 3–11.

¹⁴ Камолиддинов Ш. С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана. – Ташкент, Узбекистан, 1996; Камолиддин Ш. С. Новые данные о потомках царя Согда Гурака // *Общественные науки Узбекистана*. – Ташкент, 2003. – № 3. – С. 63–68.

¹⁵ Пугаченкова Г. А., Ртвеладзе Э. В. Северная Бактрия – Тохаристан. Очерки истории и культуры древность и средневековье. – Ташкент, Фан, 1990; Соловьев В.С. Средневековая культура Тохаристана (в свете раскопок в Вахшской долине). М., 1985. С.30-36; Harmatta J., Litvinsky V. A. *Toharistan and Gandhara under Western Turk rule* // *НССА*. – Paris 1996. – Vol. 3. – P. 367–401; Гафуров Б. Г. Таджики, древнейшая, древняя и средневековая история. – М, Наука, 1972; Пугаченкова Г. А., Ртвеладзе Э. В. Северная Бактрия – Тохаристан. Очерки истории и культуры древность и средневековье. – Ташкент, Фан, 1990; Гоилов Г. Ранние походы арабов в Среднюю Азию. – Душанбе: Дониш, 1989; Баратова Л. С. Древнетюркские монеты Средней Азии VI-X вв. (типология, иконография, историческая интерпретация).: Автореф. дис. ... канд. ист.

Уларнинг айримларини шарҳлаб ўтадиган бўлсак, Б.Ғафуров асосан Шимолий Тохаристон, қисман Сўғд тарихига тўхталган бўлиб, бу ҳудудлардаги тарихий вилоятлар ва туманлар, маҳаллий сулолалар, ўзаро ва минтақавий алоқалар, илк ўрта асрлар ёдгорликлари, сопол ва металл буюмлар, деворий расмлар, нумизматик ва бошқа масалаларга кенг тўхталган¹⁶.

Бақтрия – Тохаристон тарихи бўйича Э.В.Ртвеладзенинг узоқ йиллик тадқиқотлари айниқса диққатга сазовордир. Олим ушбу тарихий-маданий ўлканинг тарихи ва маданияти, бошқарувчи сулолалар ва уларнинг этник келиб чиқиши, моддий маданият, пул муомаласи, рамзий белгилар, Сўғд ва Тохаристон ўртасидаги ижтимоий-сиёсий ҳамда этномаданий муносабатлар масалаларини кўп ҳолларда нумизматик маълумотларга таяниб таҳлил этган¹⁷.

Илк ўрта асрлар Сўғд маданиятига хос топилмалар бўйича кейинги йилларда А.Бердимуродов бир қатор тадқиқотлар нашр қилган бўлса¹⁸, Тохаристоннинг илк ўрта асрлар шаҳарсозлиги ва моддий маданиятини ўнлаб археологик объектларда олиб борилган қазишмалар жараёнида ўрганган Т.Аннаев, Ш.Раҳмонов, Ш.Шайдуллаевлар ушбу тарихий ўлка тарихининг бир қатор мавҳум жиҳатларини ёритишга муваффақ бўлдилар¹⁹.

Ш.Пидаев ва Л.Баратоваларнинг тадқиқотларида ҳам Сўғд ва Тохаристоннинг сиёсий ҳамда этномаданий алоқалари, ҳудудлардаги миграция жараёнлари, диний эътиқодлар масалаларини ёритганлар²⁰. А.Маликовнинг тадқиқотлари Тохаристон, Сўғд, Чоч, Фарғонага Турк ҳоқонлигининг сиёсий ва этномаданий таъсири масалаларига қаратилган²¹. Тадқиқотчининг фикрича, ҳоқонлик билан боғлиқ топилмалар-турк

наук. – Ташкент, ИВАНРУз 1995. Соловьев В.С. Средневековая культура Тохаристана (в свете раскопок в Вахшской долине). – М, 1985. – С. 30-36; Аннаев Т.Д. Раннесредневековые поселения Северного Тохаристана. – Ташкент, 1988; Рахманов Ш. Замок Кучуктепа // ИМКУ. – Ташкент, 1988. – Вып. 22. – С. 75-86; ва бошқалар.

¹⁶ Гафуров Б. Г. Таджики, древнейшая, древняя и средневековая история. – М, Наука, 1972. С. 225-230.

¹⁷ Ртвеладзе Э. В. Древние и раннесредневековые монеты историко-культурных областей Узбекистана. Т. 1. – Ташкент, Media Land, 2002; Ртвеладзе Э.В. История и нумизматика Чача (вторая половина III - середина VIII в. н.э.). Ташкент, 2006. Он же. Цивилизация государства...ва бошқалар.

¹⁸ Бердимуродов А. Буллы Кафиркалы как источник изучения культуры раннесредневекового Согда // Цивилизации и культуры Центральной Азии в единстве и многообразии // Материалы международной конференции. Самарканд, 7-8 сентября 2009 г. - Самарканд-Ташкент, 2010; Бердимуродов А.Э., Менги Э., Самибаяв М.К. Раскопки на Кафир-кале // Археологические раскопки в Узбекистане – 2002 г. Вып. 3. – Ташкент, 2003; Бердимуродов А.Э. Самарканд тарихидан томчилар. – Тошкент, 2015; Бердимуродов А., Богомолов Г. Тюрки в искусстве раннесредневекового Согда // Согдийский сборник. Новейшие исследования по истории и истории культуры Согда в Узбекистане. Вып. 7 / Под ред. Ш. Камолиддин. – Berlin: LAP Lambert Academic Publishing, 2020. – С. 61-69.

¹⁹ Аннаев Т.Д. Раннесредневековые поселения Северного Тохаристана. – Ташкент, 1988; Аннаев Т., Бобоходжаев А., Рахманов Ш. Замок Кучуктепа // ИМКУ. – Ташкент, 1988. – Вып. 22. – С. 75-86; Аннаев Т., Шайдуллаев Ш. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. – Тошкент, 1997.

²⁰ Баратова Л.С., Лившиц В.А. О согдийских надчеканах на Сасанидских монетах и подражаниях им // Культурное наследие Средней Азии. - Ташкент, 2002. С. 21–26.

Baratova L. Alttürkische Münzen Mittelasiens aus dem 6. –10. Jh. N. Chr. Typologie, Ikonographie, historische Interpretation // Archalogische Mitteilungen aus Iran und Turan. – Berlin, 1999. – Band 31. – P. 219–29; Пидаев Ш.Р., Баратова Л.С. К истории денежного обращения раннесредневекового Термеза // ИМКУ, вып. 35. – Ташкент, 2006.

²¹ Маликов А. Тюрки в среднеазиатском междуречье в VI–VIII вв. (по археологическим и письменным источникам): Автореф. дис. . . . канд. ист. наук. – Самарканд: ИААН РУз, 2000.

тангалари, турк-руний ёзувли битиклар, курол-яроғ, от-улов анжомлари, сопол хайкалчалар, сарой деворий расмлари каби кўплаб археологик топилмалар юқоридаги тарихий вилоятларнинг барчасида учрайди ҳамда улар ўртасида яқин ўхшашлик мавжуд.

Ғарбий Турк хоқонлигининг давлат тузуми бўйича илмий изланишлар олиб борган Ғ.Бобоёров Сўғд ва Тохаристон масаласига ҳам тўхталиб, хоқонлик даврида ҳар иккала ўлкадаги катта ва кичик ҳукмдорликларда туркий сулолалар бўлганлигини, улар ўртасида ўзаро сиёсий ва этномаданий алоқалар мавжудлигини, сўғдий ёзувнинг Шимолий Тохаристонда тарқала бошлаши ҳар иккала тарихий ўлкани туркий сулола вакиллари бошқарганлигини, ҳар иккала тарихий-маданий ўлкаларнинг бир-бирига таъсири кучли бўлганлигини таъкидлайди²².

Б.Ғойибовнинг тадқиқотлари илк ўрта асрлар Сўғд конфедерацияси тарихини қамраб олади. Муаллиф археологик (нумизматик) ва ёзма манбалар маълумотлари асосида Сўғднинг Турк хоқонлигидан нисбий мухториятини таъкидлаган ҳолда, хоқонлик таркибидаги бошқа мулкликлар, хусусан, Тохаристон билан олиб борилган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва этномаданий алоқалар масалаларига ҳам эътибор қаратган²³.

Илк ўрта асрлар сўғдий нумизматика бўйича изланишлар олиб борган А.Кубатин Турк хоқонлигининг унвонлар тизимига бағишланган монографиясида Сўғд ва Тохаристонда қўлланилган эски туркча унвонлар, уларнинг бажарган вазифаси, келиб чиқиши, туркий унвонларнинг воҳа ҳукмдорликлари бошқарувида қачондан бошлаб учрай бошлаши масалаларига ҳам қисқача тўхтаб ўтган. Тадқиқотчи хитой йилномалари, араб-форс тилларидаги ёзма манбалар, сўғдий ва бақтрий тилли хужжатлар, нумизматик материалларни ўзаро қиёсий солиштирган ҳолда туркий унвонларни аниқлаб, уларнинг қўлланилиши хоқонликнинг унвонлар тизимига мос келишини айтиб ўтган²⁴.

Тохаристонда исломдан олдинги туркий сулолалар тарихи бўйича махсус изланишлар олиб борган Ф.Жуманиязова ўз тадқиқотларида асосий эътиборни Тохаристон ябғулари сулоласи, шунингдек, ушбу ўлка қарамоғидаги Чағониён, Термиз, Хуттал, Қубодиён ва бошқалардаги бошқарувчи сулолалар, улар томонидан қўлланилган унвон ва эпитетларга

²² Бобоёров Ғ. Турк хоқонлиги даврида Тохаристон // Мозийдан садо. - Тошкент, 2002. №4. Б. 10–11; Бобоёров Ғ. Илк ўрта асрлар тангаларида Ўзбекистон ҳудудидаги давлатчиликка доир маълумотлар // Ўзбекистон тарихи манбашунослиги масалалари. – Тошкент, 2010. – Б. 18–40.

²² Бабаёров Ғ., Кубатин А. Роль согдийского языка в Западно-Тюркском каганате // *Endangered languages and History. Foundation for Endangered Languages in collaboration with the Academy of sciences of Tajikistan. Proceedings of the Thirteenth FEL Conference 24–26 September 2009.* Editors: H. Nazarov, N. Ostler. – Horog, 2009. – С. 80–83; Бабаёров Ғ., Кубатин А. К новому чтению и интерпретации легенд на некоторых доисламских монетах Самаркандского Согда // *Тарих тафаккури. «Баркамол авлод» йилига бағишланган Республика тарихчи олимларининг илмий ишлар тўплами. Масъул муҳаррир ва тузувчи: Ш. Ҳ. Воҳидов.* – Бухоро, 2010. – С. 22–32.

²³ Ғойибов Б. Сўғд конфедерацияси: шаклланиши, тараққиёти ва таназзули. - Тошкент; ABU MATBUOT KONSALT. 2015. 276-Б. Ўша муаллиф: Сўғдий ёзув маданияти кўзгуси // *Имом ал-Бухорий сабоклари.* - Тошкент, 2013. №4. Б.278-284

²⁴ Кубатин А. Система титулов Тюркского каганата: генезис и преемственность. – Ташкент, Yangi nashr, 2016.

қаратган бўлса-да, айрим ўринларда ушбу сулолалар ва Сўғд хукмдорликлари орасидаги алоқаларга тўхталиб ўтган²⁵. Тадқиқотчининг Муғ тоғи сўғдий хужжатларида тилга олинган Тохаристон хукмдорликларидан Вашгирд, Хуттал билан Панч орасидаги сиёсий муносабатларга эътибор қаратганлиги диққатга сазовордир.

Мавзу бўйича манбашунослик ва тарихшунослик таҳлиллари шуни кўрсатадики, илк ўрта асрлар даврида алоҳида-алоҳида конфедератив тузилмалар бўлган Сўғд ва Тохаристон вилоятлари ўнлаб катта-кичик сиёсий мулкликларни ўз ичига олган. Олиб борилган тадқиқотларда бу иккала тарихий-маданий вилоят алоҳида-алоҳида кўпроқ ё Эфталлийлар давлати ёки Турк ҳоконлиги доирасида ёритилган. Сўғд ва Тохаристондаги миграция ва этномаданий жараёнлар умумлаштирилиб комплекс тарзда ҳанузгача ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **“Ўрта Осиёнинг жанубида миграция жараёнлари ва этномаданий алоқалар”**, деб номланган бўлиб, ушбу бобда илк ўрта асрларда Сўғд ва Тохаристонда юз берган сиёсий ва этномаданий жараёнлар, Буюк ипак йўлининг жанубий тармоғидаги миграция жараёнлари, вилоятлардаги диний эътиқодлар миграцияси масалалари таҳлил этилган.

Сиёсий жиҳатдан конфедерацияларга ўхшаш тузилмага эга бўлган Сўғд ва Тохаристон ўртасида қалин сиёсий, этномаданий ва ижтимоий-иқтисодий алоқалар мавжуд бўлгани манбалардан маълум. Ўзаро ёнма-ён жойлашган ўлкалар бўлса-да, улардан бирортасининг бу даврда қўшнисига нисбатан худудий даъво қилгани, бостириб кириши ёки сиёсий устунлик ўрнатишга урингани ҳақида маълумотлар учрамайди. Аксинча, турли-туман алоқаларнинг мавжудлиги ҳар иккала вилоят ўртасидаги муносабатлар барқарор бўлганлигидан далолат беради.

Ёзма манбаларда маълумотлар камлиги туфайли Сўғднинг Эфталлийлар давридаги ижтимоий-сиёсий ва этномаданий муносабатлари ҳақида етарли хулосалар чиқара олмаймиз. Турк ҳоконлиги ўзининг дастлабки ўн йилликларида Сўғднинг сиёсий ишларига унча аралашмай, ўлпон олиш билан чегараланган бўлса, кейинчалик ўлкада ўз ҳукмронлигини кучайтиради. Сўғддаги Нахшаб ва Панч мулкликларида туркий сулолалар, Самарқандда эса туркий-сўғдий аралаш сулола бошқаруви ташкил топади²⁶. VI асрнинг охирига келиб Тохаристон ҳам Ашина хонадонига мансуб шахзодалар – Тохаристон Ябғулари сулоласи томонидан бошқарила бошлайди. VII-VIII асрларда Тохаристондаги Термиз, Чағониён, Балх, Бадғис, Хуттал, Вахон, Вахш, Шуман, Ахарун, Кумед, Кубодиён, каби кўплаб мулкликларнинг бошқаруви ҳоконлик бошқаруви билан боғлиқ эди²⁷. Худди шундай ҳолат Сўғддаги ярим мустақил мулкликларда ҳам кузатилади.

²⁵ Джуманиязова Ф. Илк ўрта асрларда Тохаристон ва Кобул водийсида туркий сулолалар: Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2018. – Б. 5-9, 15-17.

²⁶ Shaban M. A. Khurasan at the Time of Arab Conquest/Iran and Islam. In memory of the Late Vladimir Minorsky. Edinburg, 1971. P. 482483; Равшанов П. Қашқадарё тарихи. Тошкент: Фан, 1995. Б. 201; Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи. - Тошкент: Шарк, 2001. Б. 81.

²⁷ Бичурин Н. Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах ... Том II. С. 324–326; Chavannes E. Documents sur les... P. 155–158; Harmatta J., Litvinsky B. A. Toharistan and Gandhara under Western Turk rule // HCCA. Paris

Шу ўринда айтиб ўтиш керак, Турк хоқонлиги даврида Сўғд ва Тохаристон бошқарувида бир томондан ўхшашлик, иккинчи томондан эса ўзига хослик кузатилади. Биринчидан, хоқонликнинг айрим вакиллари Сўғднинг баъзи сулоалари билан қалин алоқа ўрнатиб, улар бошқарувини йўлга қўйган бўлса, иккинчидан, айрим мулкликларнинг бошқаруви тўғридан-тўғри туркий сулоалар орқали амалга оширилган. Тохаристонда эса марказий бошқарув хоқонлик вакиллари қўлига ўтиб, қолган мулкликлар эса ё маҳаллий сулоалар ёки туркий сулоалар томонидан бошқарилган.

Сўғд ва Тохаристон ўртасидаги сиёсий муносабатларда элчилик алоқалари муҳим ўрин тутганлигини Афросиёб деворий битиклари тасдиқлайди²⁸. Маълумотларга кўра, илк ўрта асрлар даврида Сўғд ва Тохаристонда этномаданий жараёнлар анча фаол кечеди. Бу жараёнда Эфталийлар ва Турк хоқонлиги каби бошқарувларнинг негизида кўчманчилик устуворлик қилувчи элатларнинг йирик-йирик гуруҳлар ҳолида ҳар иккала ўлканинг шаҳар ва қишлоқларига, яйлов ва тоғ ён бағирларига кўчиб келишлари ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Маҳаллий аҳоли кўпроқ бактрий тилли бўлган. Тохаристонда, айниқса, унинг дашт-чўл ва тоғли худудларида эфталийлар ва қадимги турк уруғлари-ашина, халаж, қарлук, ўғузлар ҳам каттагина салмоққа эга эди. Бундан ташқари, минтақада уч-тўрт аср етакчилик қилган юэчжи (тохар)лар Тохаристоннинг маҳаллий аҳолиси орасига сингиб кетган эди²⁹.

Маълумки, Сўғд Буюк ипак йўлининг ҳар иккала тармоғи Шимолий ва Жанубий йўналиш оралиғида жойлашган бўлса, Тохаристоннинг жанубий йўналишида мавқеи баланд эди. Таҳлилларнинг кўрсатишича, Шимолий Африка, Олд Осиё ўлкалари ва Европа савдо қарвонлари Ўрта ер денгизи қирғоқларидан чиқиб, Сурия, Ироқ, Сосонийлар Эрони Хуросонга келгач икки йўналишда - Амударёнинг юқори ҳавзалари бўйлаб, Бадахшондан Шарқий Туркистон (Хўтан)га ёки Ҳиндистонга, у ерлардан Хитой ва Тибетга борган бўлса, Ҳиндистон ва Форс кўрфазидан шимолга қараб йўлга чиққан тижоратчилар қарвони Тохаристон орқали Сўғдга бориб, бу ердан шимол, шимоли-ғарб ва шимоли-шарққа - Еврооё даштликлари: Шарқий Европа, Қора денгизнинг шимоли, Шимолий Кавказ, Волга-Уралбўйи, Еттисув, Шарқий Туркистон орқали Олтой, Жанубий Сибир, Хитой ва Узоқ Шарқ ўлкаларига етиб боришган³⁰.

1996. Vol. 3. P. 373; Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre Türkistan. Basılmamış doktora tezi. Hacettepe Üniversitesi, Sosyal Bilimler Enstitüsü. Ankara, 2003. S. 138-139; Бобоёров Ф. Турк хоқонлиги даврида Тохаристон // Мозийдан садо. Тошкент, 2002. №4. Б. 10-11.

²⁸ Альбаум Л. И. Живопись Афрасиаба. – Ташкент: Фан, 1975. С. 55

²⁹ Бу борада тўлиқроқ маълумот учун қаранг: Бабаяров Г., Кубатин А. Некоторые аспекты взаимоотношений между кушанами и древними тюрками в свете нумизматических данных // “Этнос ва маданият: анъанавийлик ва замонавийлик” мавзусида Академик Карим Шониёзов ўқишлари туркумида этнологларнинг V Республика илмий конференцияси материаллари. - Тошкент, 2010. Б. 64-74.

³⁰ Ртвеладзе Э.В. Великий шелковый путь. Энциклопедический справочник. – С. 11-32; Ртвеладзе Э.В. Александр Македонский в Бактрии и Согдиане. – Ташкент, 2002. – С. 21-28; Бобоёров Ф. Ғарбий Турк хоқонлигининг давлат тузуми. Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган докторлик диссертацияси автореферати. – Тошкент: ЎзР ФА ШИ, 2012. – Б. 19-20, 38-41.

Бу даврда Сўғд ва Тохаристоннинг Буюк ипак йўли тармоқларидаги фаолияти ва бу ердан ўтган йўлларни, асосан Жанубий Сўғд ва Шимолий Тохаристон мисолида кўриб чиқиш шуни кўрсатадики, бу даврда ушбу ҳудудлар аҳолисининг иқтисодий ва маданий ҳаётида халқаро савдо катта ўрин эгаллаган бўлиб, бу ҳолат ҳар иккала вилоятнинг чуқур миграция жараёнларига тортилишига олиб келган эди. Манбаларга кўра, бу даврда Сўғд ва Тохаристон орасида ўзаро этномаданий жараёнлар юз бериши билан бирга минтақанинг шимоли-шарқий ҳудудларидан бир нечта кўчманчи элатларнинг Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларига, шунингдек, Амударёнинг ўрта ва юқори оқимларидаги тарихий-географик вилоятларга келиб жойлашуви кузатилади. Ҳар иккала вилоят ўртасида кечган миграция жараёнларида ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва диний омиллар ҳам ўзига хос роль ўйнаган.

Буюк ипак йўлининг жанубий тармоғидаги савдо алоқалари, миграция жараёнлари, ушбу жараёнларнинг сабаблари ва оқибатлари масалаларини илк ўрта асрлар мисолида ўрганиб чиқиш шуни кўрсатадики, бу даврда Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудлари – Сўғд ва Тохаристон вилоятлари ўзининг сиёсий воқеликларига бойлиги билан ажралиб турса, этномаданий жараёнларнинг бир қисми бўлган миграцияларга бойлиги билан ҳам эътиборни тортади. Миграция жараёнларининг асосий сабабларидан бири аввало, ушбу ўлкаларнинг табиий-географик жойлашуви ва иқлим шароити билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан Буюк ипак йўли бўйлаб жойлашган ўнлаб иқтисодий марказлар-шаҳарларнинг қадимдан турли эл ва элатларни ўзига жалб қилиб келиши бўлган.

Ўрта Осиё халқларининг қадимги даврлардаги тарихий-маданий ривожланиши жараёнларида диний қарашлар ва эътиқодлар миграциясининг етакчи мавқеи бўлганидек, илк ўрта асрларда ҳам бу жараёнлар жадал давом этган. Илк ўрта асрларнинг дастлабки даврида Ўрта Осиёнинг жанубида диний муносабатлар мураккаб ҳолатда эди. Тадқиқотларга кўра бу даврда тўртта йирик динлар – зардўштийлик, буддавийлик, христианлик ва монийлик диндорлари (қоҳинлари) ўз динларини тарғиб қилишга ҳаракат қилганлар³¹. Шу билан бирга, Турк хоқонлиги даврида минтақада қадимги туркларга хос бўлган тангричилик эътиқоди ҳам ёйила бошлайди.

Бу даврда Сўғд ва Тохаристонда зардўштийлик ва буддавийлик етакчилик қилган, “Тан-шу” йилномасида Самарқанд ҳукмронлигидаги диний эътиқодлар билан боғлиқ *“Буддавийлик қонунига амал қилишади. Заминнинг ёмонлик руҳига илтижо қилишади. Ўн биринчи ойда чилдирма [чалишади] ва [рақс] тушиб илоҳдан совуқ [юборишини] сўрашади, вақтичоглиқ қилиб, бир-бирларига сув сепишади”*³², деган мазмунда маълумот учраб, ушбу маълумотдан ҳар иккала диннинг қоришгани кузатилади. Сўғнинг нисбатан чекка ҳудудларида зардўштийлик кучли бўлганлигини “Бейши” ва Суй-ши” йилномалари маълумотлари тасдиқлайди.

³¹ Зуев Ю.А. Ранние тюрки: очерки истории и идеологии. – Алматы: Дайк-Пресс, 2002. – С. 16.

³² Бичурин Н. Я. Собрание сведений о народе... Том II. – С. 310; Бобоёров Ғ., Кубатин А., Зиёев Ш. “Тан шу” (“Тан сулоласи тарихидан”) / Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия, 2/1. – Тошкент: Фан, 2014. – Б. 35.

Ургут туманидаги Қўштепа манзилгоҳидан VII-VIII асрларга оид насронийлик сиғиниш иншооти ва унинг ёнидан қабристон аниқланган. Бу ердан топилган ёзувларни Ю.Ф. Буряков “насронийликка даъват этувчи битиклар”, деб таҳлил қилган³³. Э.В. Ртвеладзенинг тадқиқотларига кўра, VI-VII асрларда насронийликнинг несториан оқими кучайиб, насроний жамоаларининг кўпайиши натижасида йирик шаҳарларда митрополит (дин тарғиботчиси, олий даражали руҳоний) бошчилик қилувчи насроний жамоалари шаклланади³⁴. Тохаристон ҳудудларига насронийликнинг кириб келиши Эрон ва Сурия ҳудудлари билан боғланиб, бу ердаги Буюк ипак йўли тармоқлари орқали Шарқий Туркистон ва Хитойга ёйилади. Бу диннинг Шарққа, Ҳиндистон ва унга қўшни бўлган ҳудудларга, хусусан, Тохаристонга ёйилиши роҳиб Фома номи билан боғланади³⁵. Арман тарихчиси Егеш Варапед ҳам насронийликнинг Тохаристонга ёйилишини Сурия ва Эрондаги насроний қавмларнинг миграцияси билан дахлдорлиги кўрсатилган³⁶.

Ўрта Осиёнинг жанубида монийлик дини ҳали Моний ҳаёт бўлгандаёқ шакллана бошлади. Мазкур диннинг ёйилишида монийлик черковининг намояндаларидан бири Мар Амо катта мавқега эга бўлган. Моний ўлиmidан сўнг Мар Амо Амударёнинг ўрта оқимидаги баъзи шаҳарларда монийлик жамоаларини ташкил этади. Бу дин тарғиботчилари ўз миграция йўллариини Эрон шаҳарларидан бошлаб, Марказий Осиёнинг чўл ва даштларида тугатганлар³⁷.

Илк ўрта асрлар даври Сўғд ва Тохаристоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти бу вилоятларнинг барча ҳудудида деярли бир хил савияда бўлса-да, жойларга қараб ўзаро бир-биридан фарқ қилган. Бу ҳолат диний эътиқодларда яққол кўзга ташланади. Буюк ипак йўли ва унинг тармоқлари нафақат савдо-иқтисодий алоқаларга, балки ҳар иккала вилоятдаги маданий мулоқотга ҳам хизмат қилган. Бу орқали жанубий ҳудудларга турли динлар, фалсафий қарашлар, элчилик миссиялари, маънавий қадриятлар, ёзув ва тасвирий санъат намуналари тарқалган.

Диссертациянинг **“Илк ўрта асрларда минтақанинг жанубидаги ижтимоий-маданий алоқаларнинг ўзига хос хусусиятлари”**, деб номланган учинчи бобида Сўғд ва Тохаристон ўлкалари ўртасидаги этномаданий муносабатларнинг давлатчилик ва ижтимоий ҳаётга таъсири, маданий ҳаёт, санъат ва бадий хунармандчиликда ўз аксини топиш масалалари таҳлил этилган.

Сўғд ва Тохаристондаги кенг этномаданий алоқалар ҳар иккала воҳанинг Ҳисор ва Бойсун тоғлари орқали кесишган чегара ҳудудларида фаол кечган бўлиб, Сўғддаги Нахшаб ва Кеш, Тохаристондаги Чағониён, Шуман,

³³ Буряков Ю.Ф. Этнокультурная ситуация в Среднеазиатском Междуречье в древности и средневековые // Ўзбекистонда демографик жараёнлар. Халқ конф.мат. I қисм. – Тошкент, 2005. – С. 21-26.

³⁴ Ртвеладзе Э.В. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. – Ташкент, 2005. – С. 172.

³⁵ Боричевский И.А. Митраизм и христианство. – М.: Наука, 1979. – С. 47.

³⁶ Ртвеладзе Э.В. Христианство Средней Азии в раннем средневековье // ОНУ. №4. – Ташкент, 2002. – С. 44-48.

³⁷ Снесарев Г.П. Проповедники манихейства и манихеи Средней Азии и Китая // История и культура народов Центральной Азии (древность и средневековье). – М: Наука. 1993. – С. 72-78.

